



ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДАГИ БОТИРЛАРНИНГ ҚАХРАМОНЛИКЛАРИ МИСОЛИДА ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИККА ТАРБИЯЛАШ

Оразымбетов Е.К.

п.ф.б.ф.д. (PhD)

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: қорақалпоқ халқ достонлари, ватан, ватанпарварлик, мардлик, жасорат, қахрамонлик, ёшлар тарбияси, миллий кадриятлар.

Ключевые слова: каракалпакский народный эпос, Родина, патриотизм, отвага, героизм, воспитание молодежи, национальные ценности.

Key words: karakalpak folk epic, motherland, patriotism, courage, heroism, youth education, national values

РЕЗЮМЕ:

Мазкур мақолада қорақалпоқ халқ достонларидаги ботирларнинг қахрамонликлари мисолида ёшларни ватанпарварликка тарбиялаш масалари ҳар томонлама педагогик жиҳатдан таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье вопросы воспитания молодежи к патриотизму анализировано педагогически во всех аспектах на примере героев каракалпакского народного эпоса.

SUMMARY:

In this article, the issue of educating young people to patriotism is analyzed from a pedagogical point of view, on the example of heroes from Karakalpak folk epics.

Қорақалпоқ халқининг неча асрлик ҳаётий тажрибасидаги инсонпарварлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, мардлик, ботирлик, зукколик, масъулиятлилик, ватанпарварлик анъаналарини давом эттириш ва уларни ҳозирги замон билан боғлашни давр тақозо этмоқда. Албатта бундай ватанпарварлик анъаналарини халқ педагогикаси орқали бугунги ёшларга етказиш ўзига хос жиҳатларга эга. Айниқса, ёшларни ватанпарварликка тарбиялаш анъаналарини қорақалпоқ халқ қахрамонлик достонлари асосида ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Достонлар ёшларда ғурур, ватанпарварлик, инсонпарварлик, дўстлик, ростгўйлик каби туйғуларни кўзгатувчи асарлардан ҳисобланади. Қорақалпоқ халқ достонларида ватанни севиш, хур-



мат, одоб-ахлоқ, болаларга меҳр-оқибат, эл-юртга садоқатлик билан бир-галикда мардлик, жасорат, қаҳрамонлик ва ботирлик ўз аксини топган.

Қорақалпоқ халқ дostonларида («Қырық қыз» дostonида Аллаяр бой, Гулойим, Сарбиназ, Отбасқан, Арслон ва қирқ қиз, «Алпамыс» дostonида Гулпаршин, Жадигер, «Қоблан» дostonида Қоблан, «Маспатша» дostonида Маспатша ва Айпарша, «Едиге» дostonида Едиге, Нуратдин, «Ер Зийўар» дostonида Ер Зийўар, «Ер Қосай» дostonида Ер Қосай ва ҳоказо) ботирларнинг босқинчиларга қарши курашда кўрсатган жасоратлари, уларнинг эл-юртига садоқати, Ватан учун жонини фидо қилишга тайёр туриши бугунги ёшлар учун мардлик ва қаҳрамонликнинг ажойиб намунаси. Шунингдек, эзгулик, ватанпарварлик, мардлик, инсонпарварлик, ака-ука ва опа-сингил ўртасидаги муносабат, қаҳрамонларнинг атрофдагиларга ғамхўрлиги, бирлик ва тинчлик, эл-юрт дўстлиги ва ҳоказолар дostonларнинг асосий ғояси ҳисобланади. Қорақалпоқ халқ қаҳрамонлик дostonларининг асосий ғояси ватанпарварликдир. Халқ Ватани, туғилган жойи, халқини ҳимоя қилган ботирларини намуна сифатида ёшларга ўрнак қилиб кўрсатган. Уларнинг мардлик ва қаҳрамонликларини таълим-тарбия жараёнида кенг тарғиб қилиш ёшларнинг ватанпарварлигини ривожлантиришда асосий вазифани бажаради.

Профессор Ө.Әлеуов ўз тадқиқотларида қорақалпоқ халқ дostonларидаги ватанпарварлик тарбия ҳақида «Қорақалпоқ халқининг ҳар бир қаҳрамонлик дostonи ботирнинг туғилишидан бошлаб, мурод-мақсадига етгунга қадар шахсни шакллантиришнинг ўзига хос тарбиявий тажрибаси ҳисобланади. Дostonларда бир-бирига ўхшамаган инсон шаклланишининг турли педагогик омиллари ифодаланиб, халқ орзу қилган комил инсонини тарбиялаш йўллари, усуллари баён қилинади. Бу жиҳатдан олиб қараганда қорақалпоқ халқининг ҳар бир дostonи ёшларни тарбиялаш борасида ўз намунасига эга халқнинг тарбиявий тажриба олиб бориш усуллари ва унинг натижалари ҳисобланади» [1; 11-б.] - деб ёзади.

Ҳақиқатан ҳам, қорақалпоқ халқ қаҳрамонлик дostonларида ёшларни ватанпарварликка тарбиялашнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Жумладан, қорақалпоқ халқ дostonи «Алпамыс» дostonида «Алпамыс Байсын елатында он төрт жасына келди, нардай күшине толды, ер жетип жигит болды» [2; 32-б.] - деб таърифланса, «Қоблан» дostonида «... Бала он бир жасына келип, Қыдырбай ғәрип көп баланы жанына қойды. Сарыкум деген жерден бир орда сайлап берди. Балалар менен асық ойнап, балаларға зорлық қылып, жүреги қабына сыймай, атаның алдына барып, «ата, маған жүйрик ат берсең, кейниме қырк жигит берсең, ҳәр-жерге ба-



рып, кеўлимди көтерсем, калай болар екен» дейди. Қартайғанда көрген перзенти «ат минемен» деген соң, гүдары ноқта, алтыннан пуў берген тебинги, алтын ер, ушыға терлик - барлығын таяр қылып, көп жылқыға алып барды. Көп жылқының ишинде төрт бедеуи бар еди, жылкыманларға услатып алдырды, атларға ер салып, зэртең-зэбертең ертлеп, «я корыққан жылайды, я куўанған жылайды», - деген, куўанғанынан жылап, ғаррының баўыры езилди. Қоблан минген атлар баланы көтере алмай, жэниўардың омыртқасы үзилди [3; 28-б.] - деб тасвирланған эпизодлар ёшларда ватанпарварлик ҳиссини уйғатади.

Албатта, қахрамонлик дostonларини ўқиган ҳар бир инсонда, у ёш ёки катта бўлсин унда ғурурланиш, фахрланиш, шижоат, ғанимларга нафрат, юрт қадри, ватанига кучли муҳаббат ҳисси пайдо бўлади. «Едиге» дostonнида туғилған жойнинг муқаддаслигини куйидагича таърифланади:

Атам күйеў болған жер,

Анам келин болған жер,

Ийилип сәлем берген жер. [4; 358-б.]

Ёшларга ватанпарварлик ғояларини сингдиришда мазкур мисраларнинг таъсири катта. Дostonларда бош мавзу туғилған жойни севиш, уни ташқи душманлардан ҳимоя қилиш кўтаринки руҳ билан тасвирланади. Дostonларнинг ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларида ижтимоий манфаат биринчи ўринга қўйилиб, қахрамонларнинг барча хоҳиш-истаклари, ҳаракатлари халқ, эл-юрт манфаатларига қаратилади. Шу туфайли ҳаётнинг ҳақиқий гўзаллигини, ота-боболаримизнинг асрлар давомида одиллик ва мустақиллик курашларини, орзу-армонларини ўзида акс эттирган дostonларни халқ севади, куйлайди ва кўз қорачиғидай асрайди. Дostonлар шу маънода халққа хизмат этади, ҳар бир инсонни эл-юрт озодлиги ва ободонлиги учун курашга чорлайди.

Қорақалпоқ халқининг мустақиллик учун курашларини акс эттирган ватанпарварлик ғояларини ўзида мужассамлаган дostonлардан бири «Қырық қыз» дostonи ҳисобланади. У қахрамонлик, мардлик белгиларини ўзида акс эттириб, ёшларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда асосий роль ўйнайди. Қорақалпоқ халқининг буюк адабиётшунос олими Н.Даўқараев дostonдаги ватанпарварлик ҳақида шундай ёзади: «Дostonнинг бошидан охиригача илғари сурилған ғояси – юқори ва энг яхши ватанпарварлик туйғулари, ватанини, ўз халқини чин юракдан севишдир. Бу неча асрлар давомида хотирада сакланиб, сеvimли бўлиб келаётған дostonни ўлмайдиган, халқнинг қадрдон асарига айналтирди. Дoston ватанпарварлик ғоясини халқларнинг мустақиллик учун олиб



борган курашларининг ёрқин ва образли картиналари билан, бу курашни бошлаган қаҳрамонларнинг кучли, иродали характерларининг тасвирланиши билан кўрсатиб беради» [5; 14-б.].

Таниқли фольклоршунос олим Қ.Айымбетов тадқиқотларида дostonда учрайдиган айрим географик номлар ҳақида ««Саркоп» деган ер номининг «Қырық қыз» эски кўрғон қалъанинг Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа ҳудудида ҳалигача сақланганлигини, «Қырық қыз» қорақалпоқ уруғларининг (уруўларының) номи, «Қырық» сўзи қорақалпоқ халқ поэзиясига хос бўлиб, «Қырық қыз», «Қырық жигит» деб учрайдиган «Қырық» сўзи билан қадимги вақтларда ҳарбий бирикмалар номланган бўлиши мумкин»» [6; 9-б.] деб таъкидлайди.

Дoston «Әйемги өткен заманда, Сол заманның қадиминде, Қарақалпақ халқында, Ата журты Түркистанда, Саркоп деген қалада, Аз ноғайлы елатында, Байлығы тасқан, Лақабы асқан, Аллаяр деген бай болды, Төрт түлиги сай болды, Душпаннан өшин алғандай, Ғайратлы қайтпас исине, Халайық хайран қалғандай [7; 42-б.] - деб бошланади. Бойнинг олти ўғли ичида «Алтын гаўҳар басында, өзи он төрт жасында, ерке болып ол өскен» Гулайым исмли қизи бўлади. Гулайым ақлли, гўзал, ботир, ахлоқли, меҳнатсевар бўлиб вояга етиб эл оғзига тушади. Гулайым «егер айбатланса батырлар да қорыққандай» мард, ботир бўлиб вояга етади, ёнига қирқ қиз олиб, уларга меҳнат қилиш билан бирга, ҳарбий хунарға ўргатади. «Қырық қызы менен атаўда, Тартып ылақ ойнады. Кейнине ертип биразын, Тана сойып сүйретти. Қылыш берип қолына, Батырлыққа үйретти, Ақыллы туўған Гулайым, Қырық қызға етти зийнетти. Қарыўланып қырық қызы, Атларына минеди, Беккем буўып беллерин, Қара шашын түйеди, Еркекше кийим кийеди. Төрт бөлинип он-оннан, Келгенлерди қырған болып, Аўдарып алып атынан,

Бир жерге бәрин үйеди [7; 44-б.].

Дostonининг асосий ғояси ёшларни ҳалол меҳнат қилиш, ватанни химоя қилиш, туғилган юртнинг мустақиллиги учун курашишга чорлашдир. Унда ёшларни мардликка, ботирликка чорлайдиган шундай сатрлар мавжуд, бу мисраларни ўқиган ҳар бир ўқувчи дoston қаҳрамонлари билан ҳамқадам бўлиши аниқ. Дostonда ботирлар Ватанни душманлардан озод қилиш учун бирлашиб, ғаним устига юриш қилади. «Ерк бермеди душпанға, Саркоптың батыр палўаны, Гулайымдай перийзат, ... Арысландай мәрт палўан, жанын отқа жағады, ...Шырқыратып биразын, қазық қылып жерге қағады, атқа шыққан Сарбиназ, ямаса ...Қарыўы асқан, даңқы асқан, бул саўашқа киристи, ерлердиң ери Отбасқан» [7; 408-



б.]. Достон ҳар бир ёш авлодни мард, жасур бўлишга чорлайди. Достонда Гулайым билан Суртайша ўртасидаги жангни тасвирлайдиган мисралар мавжуд: «... Суртайшадай қалмаққа, Қаймықпастан барады, Қандай эмел етерин, Гулайым турып сорады: -Ҳа Суртайша, Суртайша, Атыспақ саған керекпе, Шабыспақ саған керекпе - деп әўел гезек сорайды [7; 415-б.].

Бундай мардлик, қаҳрамонлик белгилари “Алпамыс” достонида ҳам учрайди: Алпамыснинг қолмоқ ботири Қаражанга «Атыспақ керек пе, алыспақ керек пе, неге бад урасаң, енеғар! Алсаң өлтирип ал Баршын ярымды, берсең егленбей бер саўаш жайдын дерегин» [2; 60-б.] – дейди.

Халқ ботирларининг қаҳрамонлик курашлари натижасида мустақилликка эришилади. «Қырық қыз» достонида халқлар дўстлиги жуда кенг маънода тасвирланади. Гулайым ҳақиқатан ҳам мардликнинг, ботирликнинг рамзи. У қалмоқ хони Суртайша каби золимдан қўрқмайди. Ҳеч қачон душманнинг ортидан пичоқ урмайди. Улар билан юзма-юз келиб, душманларини аросатда қолдиради. Ботир қиз Гулайым халққа онгли равшда хизмат қилиши ўз Ватанини, халқини кўзнинг қорачиғидек асраш керак эканлигини кўрсатади. Қолмоқ хони Суртайшага «Элни, халқни кул этгандан кўра, элсиз, ватансиз ҳаёт кечиргандан ўлган ортиқ» деган сўзлари Гулайымнинг чин ватанпарвар, халқ фарзанди эканлигини кўрсатади.

Халқимизнинг узок ўтмиш тарихи, турмуш тарзи, мустақиллик йўлида душманлар билан олиб борган қаҳрамонлик курашларини, ботирлик ва эзгу ғояларини таълим-тарбия жараёнида тушунтириб борсак, ёшларнинг чинакам ватанпарвар бўлиш тарбияланишларига имкон яратилади. Достонлардаги ботирларнинг мардликлари ёшлар учун намуна бўлади. Сабаби ёшлар мард, қаҳрамон бўлиш истагида яшаб, ботирликни, одилликни, эл-юртга керакли муҳим ишларни амалга оширишни хоҳлайди. Ватан манфаатини эъозлаб, уни байроқ этиб кўкларга кўтаради. Дўст ким, душман ким эканлигини билади. Натижада ўз халқини чин кўнгилдан севадиган ва маънавий дунёси бой фарзанд бўлиб вояга етади.

Фикримизча, қорақалпоқ халқининг қаҳрамонлик анъаналари тарихини ҳисобга олиб, таълим муассасаларидаги таълим-тарбия ишларида мардлик, қаҳрамонлик анъаналарининг намуналарини, жумладан, ватанпарварлик тарбиясининг асосий йўналишларидан бири бўлган инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, адолатлилик, ҳалоллик каби тарбия мазмунини ҳар томонлама қамраб таълим-тарбия жараёнига кенг тадбиқ қилиш зарур.

Юқорида келтирилган фикрлар ёшларда ватанпарварлик туйғусини оширишдаги муҳим вазифасини бажаради. Тарихий анъана ва бой



маданий–маънавий кадриятлар асосида тарбияланган инсонларда ватанпарварлик туйғуси кучли бўлади. Ёшларда ватанпарварлик туйғусини оширишда, биринчидан, халқимизнинг тарихини мукамал ўрганиш, иккинчидан, халқимизнинг шон-шарафли ўтмиши, кадриятлари, ахлоқ-одоб ва фазилатларини билиш; учинчидан, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундайдиган маънавий тадбирларни ташкил этиш; тўртинчидан, ватанпарварликка ундовчи сифатли кинофильмлар ва мультфильмлар, тарихий бадиий асарлар яратиш ва қадимда яшаб ўтган буюк шахсларни, Ватан учун жонини фидо қилган ботирларнинг қаҳрамонликларини тарғиб қилиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, қорақалпоқ халқ достонларида ботирларнинг ватанпарварлик туйғуси, она Ватанга бўлган муҳаббати кучли акс этган. Улар қандай шароитда бўлмасин ўз туғилиб ўсган Ватанини севган ва уни кўз-қорачиғидек асраган. Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган. Бугунги кунда халқимизнинг ўтмишдаги фидойи фарзандларининг Ватанни севиш, ҳимоя қилишдаги жасорат ва қаҳрамонликларини, ахлоқ-одобга доир юксак фазилатларини кенг тарғибот қилиш ёшларнинг ватанпарварлик тарбияси ривожланишига замин яратади.

Адабиётлар:

1. Өлеёв Ө. Қарақалпақстанда тәлим-тәрбиялық ойлардың қәлипәсиәи ҳәм раўажланыўы. Н.: «Билим», 1993. -504 б.
2. Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық. VII том. Алпамыс дәстаны. Н., 1981. -217 б.
3. Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық. VIII том. Қоблан дәстаны. Н., 1981 -272 б.
4. Едиге қарақалпақ халық дәстаны. –Н.: Қарақалпақстан. 1990. – 400 б.
5. Дәўқараев Н. Шығармаларының толық жыйындысы. 2 том. Н., 1977. – 356 б.
6. Айымбетов Қ. Халық даналығы.-Н.: Қарақалпақстан, 1988. – 492 б.
7. Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық. VI том. Қырық қыз дәстаны. Н., 1980. – 463 б.